



«Тасдиқлайман»

«ASAKA CAPITAL INVEST» МЧЖ

Бошқарув раиси

Ў.Р.Маллабоев

Сана 01 . 07 .2022

«ASAKA CAPITAL INVEST» МЧЖнинг 2021 йил 31 декабр холатига Бухгалтерия
ҳисобининг миллий стандаритлари (БХМС) ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро
стандартлари (МХХС) бўйича тузилган молиявий ҳисоботларини аудиторлик
текширувидан ўтказиш лойиҳасининг

ТЕХНИК ШАРТЛАР

Тошкент 2022

1. Умумий маълумотлар.

1.1. Лойиҳа номи

«ASAKA CAPITAL INVEST» МЧЖнинг 2021 йил 31 декабр ҳолатига Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС) ва Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) бўйича тузилган молиявий ҳисботларини аудиторлик текширувидан ўтказиш.

1.2. Буюртмачи:

«ASAKA CAPITAL INVEST» МЧЖ

1.3. Лойиҳа бўйича хизмат кўрсатишининг муддатлари:

№	Хизмат номи	Бажарилиш жойи	Бажаришнинг чегаравий муддатлари
1	«ASAKA CAPITAL INVEST» МЧЖнинг 2021 йил 31 декабр ҳолатига БҲМС га асосан тайёрланган молиявий ҳисботларини аудиторлик текширувидан ўтказиш;	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Муқимий кўчаси 9 уй	2022 йил 20 июл
2	«ASAKA CAPITAL INVEST» МЧЖнинг 2021 йил 31 декабр ҳолатига МҲҲС га асосан тайёрланган молиявий ҳисботларини аудиторлик текширувидан ўтказиш;	Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Муқимий кўчаси 9 уй	2022 йил 20 июл

Агар қатнашчининг фикрига кўра ушбу техник шартларда келтирилганидан бошқа муддатлар белгилаш хизмат кийматини камайтириши ёки Буюртмачи хизматдан яхширок натижа олиши мумкин бўлса қатнашчи ўзининг техник тижорат таклифида асослантирилган тарзда хизмат кўрсатишининг техник шартларда келтирилганидан бошқа муддатларни келтириши мумкин.

1.4. Хизмат кўрсатадиган давлат:

Ўзбекистон Республикаси

1.5. Хизмат кўрсатшадиган жой (манзил):

Лойиҳа доирасида амалга ошириладиган ишларни ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатиш Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Муқимий кўчаси 9 уй

1.6. Кўрсатилган хизмат натижаси кафолати:

Қатнашчи томонидан хизмат кўрсатилиб, натижалар буюртмачига топширилган санадан бошлаб 12 ой.

2. Асосий шартлар

2.1. Шартнома суммасининг қатъий белгиланиши. Бажарувчининг хизмат сафари, сафарда яшаш, маълумот алмашишларни амалга ошириш ва бошқа лойиҳа билан боғлик ҳаражатлари қатъий сумма билан белгиланади ва шартноманинг амал қилиш муддати давомида ўзгартирилмайди.

2.2. Команда аъзоларининг доимийлиги ва шартнома амал қилиш муддати давомида лойиҳани бошқарувчи менеджернинг ўзгартирилмаслиги.

2.3. Буюртмачи томонидан техник тижорат таклифини ўрганиш босқичида Бажарувчининг лойиҳа командаси аъзолари билан сұхбат ўтказиши мумкинлиги.

3. Хизмат кўрсатиш натижалари ва хизматни қабул қилиш топшириш тартиби

Хизматларни қабул қилиш «ASAKA CAPITAL INVEST» МЧЖ томонидан тасдиқланган лойиҳа натижаларига асосан расмийлаштирилган бажарилган ишларни

қабул-қилиш топшириш далолатномаси ва ҳисобварап фактура асосида амалга оширилади.

4. Харид ҳужжатлари таркибиға қўйиладиган талаблар

Бажарувчиликга даъвогар танловда қатнашиши учун қўйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши зарур:

- Бажариш муддатлари, босқичлари ва тақдим қилинадиган асосий ҳисоботлар кўрсатилган лойиҳани амалга ошириш режаси (графики)
- Бажарувчининг ўзи ва лойиҳани амалга оширишда бевосита қатнашувчи асосий мутахассислар ҳақида маълумотлар (резюме, малакасини тасдиқловчи диплом ва сертификатлар)
- Лойиҳани амалга оширишнинг чегаравий суммаси кўрсатилган тижорат таклифи.

5. Танлов иштирокчилариға қўйиладиган талаблар

Танловда хизмат ушбу техник шартлар қўйилган вазифаларни бажариш учун етарли малака ва тажрибага эга ҳодимлари бор ташкилотлар, қўйидаги қўшимча талабларни бажарган ҳолатда иштирок этишлари мумкин:

- Халқаро CAP, CIPA ёки ACCA сертификатига эга бўлган камида 4 нафар мутахассисга эга булиш;
- Хизмат кўрсатишнинг ишончли ва тезкор олиб бориши малакасига эга булиш;
- Консалтинг хизматини кўрсатиш бўйича таклиф қилинаётган хизмат нархининг ҳисоб-китоб рўйхатини тақдим қилиш.

6. Танловда қатнашишга чекловлар

Қўйидаги ҳолатлардан камида биттаси аниқланган даъвогарлар танловда қатнашишига йул қўйилмайди:

- Охирги 3 йил давомида ўз буюртмачилариға сифатсиз хизмат кўрсатган. Бундай ҳолат бажарувчи айби билан яқунланмаган шартнома, мижоз даъво хати ва хизмат сифатлизигини тасдиқловчи бошда ҳужжатлар билан белгиланади;
- Ушбу техник шартларда талаб қилинган тўлиқ ҳужжатлар тўпламини тақдим қилмаган.
- Танловда қатнашиш учун нотўғри ёки тасдиқланмаган маълумотлар тадқим қилган.
- Таклифнинг молиявий маълумотлари келтирилган қисмини очиқ ва/ёки муҳрланмаган шаклда тақдим қилган.
- Активларига чеклов қўйилган, тугатилиш жараёнида ёки банкрот деб эълон қилинган.

7. Хизмат сифати кафолати бўйича талаблар

Даъвогар лойиҳани амалга ошириш йўналиши ва лойиҳа яқунида кутилаётган натижадан келиб чиқиб бажарадиган иш ва хизматлар сифатини тавсифлаши зарур.

8. Даъвогарнинг таклифни белгиланган шаклда тайёрлаш бўйича мажбурияти

Ушбу техник шартларда келтирилган талабларга асосан, дикқат билан тайёрланган ҳужжатлар, Даъвогарнинг таклифини холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишининг асосий жиҳатидир. Тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри маълумот баҳолаш жараёнига халақит беради ва Даъвогарнинг танловда ютиш имкониятини камайтириши мумкин. Таклифнинг сифати Даъвогарнинг ушбу лойиҳани бажара олиш салоҳияти ва лойиҳага бўлган қизиқишининг кўрсаткичи сифатида қаралади.

Буюртмачи даъвогардан ушбу ҳужжатга жавоб сифатида олган маълумотлари учун ҳеч қандай тўловлар амалга ошириш мажбуриятини ўзига олмайди.

Ушбу ҳужжат, Буюртмачига Даъвогарнинг маълумотлар тайёрлаш бўйича ёки маълумотни етказиб бериш бўйича амалга оширилган харажатларини қоплаб бериш ёки шартнома тузиш мажбуриятини юкламайди.

Таклиф тегишли формаларни расмийлаштириш ва тасдиқлашдан ташқари, Даъвогар буюртмачининг барча талабларини тушунганлиги ва таклиф қилинаётган ечимлар, кўйилган барча талабларни бажариши ёки унданда ортикроқ натижага келтириши ҳақидаги тасдиқни ўз ичига олиши зарур. Шунингдек таклифда ҳар қандай тузатишлар, маҳсус шартлар ва ушбу хужжатларда келтирилган ҳар қандай техник, ташкилий ёки тижорат талабларидан ҳар қандай оғишлар аниқ кўрсатилган бўлиши зарур.

9. Молиялаштириш тартиби

- 9.1. Хизмат кўрсатишни молиялаштириш «ASAKA CAPITAL INVEST» МЧЖнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
- 9.2. Хизмат кўрсатишни молиялаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида ҳамда танлов асосида танлаб олинган, энг яхши таклифни жўнатган хизмат кўрсатувчи ташкилот билан тузилган шартнома шартлари асосида амалга оширилади.
- 9.3. Хизмат учун тўлов ҳақиқатда бажарилган ишларга мос равища амалга оширилади.